

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ
ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

МУСИҚА ТАРИХИ КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УМАРОВА ГУЛБАҲОР МАҲМУДОВНА

ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК ОПЕРАЛАРИДА ДРАМАТУРГИЯ
МАСАЛАЛАРИ

(М.Бафоевнинг «Аҳмад ал – Фарғоний» операси мисолида)

5А 210202 – «Муסיқашунослик» мутахассислиги бўйича магистр
даражасини олиш учун

МАГИСТРАЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

Илмий раҳбар: Санъатшунослик фанлари
номзоди, доцент
С.М. Бегматов

Тошкент – 2007

МУҲДАРИЖА

Кириш	3
Биринчи боб. Ўзбек операларининг яратилиш тарихидан	8
Иккинчи боб. Мустақиллик даври ва замонавий опера ижодиёти	27
Учинчи боб. М.Бафоев «Аҳмад ал – Фарғоний» операсига доир драматургия масалалари.....	37
Хулоса	65
Адабиётлар рўйхати	68

КИРИШ

Опера санъати инсон тафаккурининг юксак наъмуналаридан бири ҳисобланади. Муסיқа тарихида унинг тақдири муҳим ва алоҳида аҳамиятга молик. Жанр пайдо бўлиши биланоқ энг йирик, демократик ҳамда инсонларни маънавий маданиятига ўз таъсирини ўтказа оладиган санъат тури сифатида ривожланди. Опера, классик даврда ўзига хос, романтизм даврида ўзгача, XX асрда эса турли «қиёфалар»да ўзини намоён қилди. Муסיқа санъатининг йирик, монументал жанрларидан бири бўлган опера, Ўзбекистонга XX асрнинг бошларида кириб келди.

Миллий операларнинг дастлабки намуналари ўзбек муסיқали драмасининг ривожига асосида юзага келган. Дастлаб булар ўзбек ва рус композиторлари ижодий ҳамкорлигида юзага келган бўлса, кейинчалик тарихий, романтик, лирик мавзуларга мурожаат этиб, мустақил ижод намуналари пайдо бўлди. Ўзбек опера санъати ўз тараққиёти давомида композиторлар томонидан турли услуб ва йўналишларда қамраб олинди. Ўзбек операларининг деярли барчаси европача шакллар асосида, миллийлик руҳи ва халқимизнинг турли анъаналарига хос тарзда тараннум этилган.

70—80 йилларда опера жанри мавзу жиҳатидан бойиб, тарихий, замонавий мазмундаги камер опералар саҳналаштирилади.

Мустақиллик йилларига келиб эса жанр турли модернизм йўналишлари таъсирида ривож топди. Шунга қарамай унинг босиб ўтган йўли осон кечди деб бўлмайди.

Кўплаб яратилган операларда жанр хусусиятларининг айрим камчиликларга эга бўлганлиги, театр саҳнасида тез «тушиб» кетишига асос бўлди. Бунинг сабабларидан бири опера

драматургиясига оид турли камчиликлар ва муаммоларга дуч келишидадир. Ўзбекистонда опера санъатига доир тарихий ва назарий, муסיқий илмий, тадқиқотлар мавжуд. Лекин, уларнинг аксарияти рус тилида чоп этилган.

Мазкур илмий ишимизни бажаришдан кўзланган асосий мақсад — бугунги кундаги ўзбек опера ижодиёти ва унинг айрим драматургия масалаларини, муסיқашунослик нуқтаи назаридан идроклаш ва имкон қадар ёритишдан иборат.

Тақдим этилаётган диссертацияни ёзиш жараёнида бир қатор махсус адабиётлар муҳим услубий манба бўлиб хизмат қилди. Ўзбек муסיқаси тараққиётига улкан ҳисса қўшган олим Ян Борисович Пеккернинг «Узбекская опера» («Ўзбек операси») китобида, ўзбек операсининг пайдо бўлгунга қадар қисқача тарихий негизлари ва унинг 60— йиллар охиригача бўлган давр тараққиёти ҳақида баён қилади. Шу билан бирга, ўша давр ўзбек муסיқали театрининг ижтимоий — сиёсий аҳволи тўғрисида кенг мулоҳаза юритилган. Ушбу китоб ўзбек операсининг пайдо бўлиши ва тарихининг умумий негизларини ўрганишимизда фойдали манба бўлди.

1961 йилда нашр этилган А. Корсакованинг «Узбекский оперный театр» китоби ҳам мазкур тадқиқотнинг тарихий жараёнини ўрганишга кўмак берди. Юқорида келтирилган адабиётларнинг назарий тадқиқида опера жанрининг драматургик масалалари етарли даражада ёритилмаган.

Умуман опера драматургияси масалалари рус муסיқашунос олимлари Б. Ярустовскийнинг «Драматургия русской оперной классики», «Очерки по драматургии оперы XX века (I, II жилд) ва М Друскин «Вопросы музыкальной драматургии оперы» каби адабиётларида атрофлича баён этилган. 1975 йили Москвада нашр этилган «Вопросы оперной драматургии» мақолалар тўпламида, рус

мусиқашунос олимларининг опера драматургиясига доир бир қатор мақолалари ўрин олган. Бунда асосан муаллифлар опера драматургиясида метро – ритм, мавзуйлик ва оркестр драматургияси, лейтмавзу ва оҳанг драматургияси каби жиҳатларини рус классик опералари мисолида кўрсатиб берган.

Ўзбек операсининг драматургия хусусиятлари мусиқашунос олима В. З. Плунгяннинг ««Проделки Майсары» С. Юдакова» монографиясида ёритиб берган. Унда биринчи ҳажвий ўзбек операси «Майсаранинг иши» асарини мазмуни, мумтоз ва фольклор анъаналари, муסיқий тили ва драматургик томонлари пухта таҳлил қилинган.

Мазкур мавзуни ўрганишда мусиқашунос олимларнинг опера тарихига бағишланган илмий – тарихий ишларига ҳам таяндик. Жумладан, 1982 йилда «Совет Ўзбекистони санъати» журналининг №11 сонида нашр қилинган мусиқашунослар Д. А. Муродованинг «Опера ва музикали драма», «Музикали театр анъаналари» мақолалари, Ю. Носированинг «Принципы притворения фольклёра в узбекских операх 70 – х годов», «Узбекская песня в операх Р. Глиэра и Т. Содикова», «Ўзбек операси: муаммо ва мулоҳазалар» каби мақолалари, муҳим услубий асос бўлиб хизмат қилди. Умуман олганда ўзбек операсининг пайдо бўлиши, унинг тараққиётига бағишланган бир қатор илмий ижодий изланишларни кузатиш мумкин.

Мустақиллик йиллари ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида бўлганидек, маданий ҳаётимизда ҳам туб ўзгаришлар рўй берди. Бу даврда мусиқа соҳасига оид бир нечта адабиётлар яратилиб, ўқувчиларга тақдим этилди.

2002 йилда нашр этилган «Мусиқа ижодиёти масалалари» мақолалар тўпламида Д. Муродованинг «Мустақиллик даври Ўзбекистон композиторлик ижодиёти тўғрисида»ги мақоласида,

Ўзбек композиторларининг шу давр музиқий — сахнавий йўналишдаги ижод намуналари ҳақида маълумотлар берилган.

Т а д қ и қ о т и м и з о б ъ е к т и — замонавий ўзбек опера драматургияси масалаларининг айрим хусусиятларини «Аҳмад ал — Фарғоний» операси мисолида тавсифлаш.

Д и с с е р т а ц и я н и н г а м а л и й а ҳ а м и я т и шундан иборатки, унинг асосий натижалари ўзбек опера санъатининг драматургия томонларини ўрганишнинг кейинги босқичига «туртки» бўла олади. Шу билан бирга махсус ўқув юртралидаги «Опера драматургияси» фани дастурига киритилиши мумкин.

Т а д қ и қ о т н и н г и л м и й я н г и л и г и — диссертацияда мустақиллик даврида яратилган замонавий операларнинг таснифи ва «Аҳмад ал — Фарғоний» операси мисолида айрим драматургик тамойиллари тадқиқ этилган.

Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Биринчи боб, ўзбек операсини яратилиш тарихидан. Бунда Ўзбекистонга опера жанрининг кириб келиши ва 90 - йилларгача бўлган тараққиёти баён этилади.

Иккинчи боб, мустақиллик даври ва замонавий опера ижодиёти. Мазкур бобда асосан, кўрилаётган давр композиторларининг ижодий фаолиятларида, опера жанрини тугган ўрни ҳақида фикр юритилади.

Учинчи боб, композитор М. Бафоев ижодига мансуб «Аҳмад ал — Фарғоний» операсининг драматургик ва услубий хусусиятлари таҳлил қилинади. Асосан операнинг драматургия воситалари уч жиҳатдан кўриб чиқилган:

Операнинг композицион хусусиятлари, образларнинг муסיқий характеристикаси, вокал шакллари.

Хулосада тадқиқот давомида эришилган натижалар умумлаштирилиб, мавзуни ўрганиш борасидаги янги илмий вазифалар белгиланилади.